
ФАРГОНАДА “ИПАКЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ” МАВЗУСИДА ҲУДУДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги “Тадбиркорлар уйи” мажлислар залида “Ипакчилик соҳасини ривожлантиришнинг янги босқичлари ва йўналишлари” мавзусида ҳудудий илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда Буш вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайҳо Маҳкамова, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси раиси Иқболжон Эргашев, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари – Оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари, Ҳунармандлар уюшмаси вилоятлар раҳбарлари, водий вилоятлари “Агропилла”, ипакчилик, қорақўлчилик кластерлари, ипак қурти уруғчилик корхоналари раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги бошқармалари бошлиқлари, йирик пиллакорлар иштирок этди.

Семинар давомида бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар қатори ипакчилик соҳасида ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилаётгани, бундан кўзланган мақсад муносаб иш ўринлари яратган ҳолда аҳолини доимий даромад манбаси билан таъминлаш эканлигига эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташабbusлари билан эътиборга муҳтоҷ аёллар ва ёшлар, давлат кўмагига муҳтоҷ эҳтиёжманд оиласлар қатламини ажратиб олиб, алоҳида дафтарлар ташкил қилингани, ҳар бирининг муаммоларини ҳал этишда янгича тартибда манзилли иш олиб борилаётгани, бу жараёнда қишлоқ аҳолисини, аёлларни иш билан таъминлашда пиллачилик соҳаси алоҳида ўрин тутиши таъкидлаб ўтилди. Маҳаллаларда пиллачиликни ривожлантириш орқали хотин-қизларнинг ишли бўлишлари, даромад олишларига кўмаклашиш ҳар бир МФЙдаги хотин-қизлар фаолларининг доимий эътиборида бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Семинарда шунингдек, маъruzачилар томонидан ипак қурти уруғи етиштириш, пилла боқиш, уни қайта ишлаш юзасидан Хитой, Вьетнам тажрибаларининг афзалликлари, пилла боқиш жараёнларида мавжуд замонавий технологиялар, уларнинг аҳамияти ва устунликлари, соҳада аёллар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, пиллачиликда озуқа базасини шакллантириш, ипак қурти уруғлари инкубациясини ташкил этишнинг асосий талаблари мавзуларида тақдимотлар ўтказилиб, тушунчалар берилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-02-07 21:02:03